

## Иккинчи ва учинчи ҳижрий асрларда ёзилган илмлар



11:44 / 14.07.2025 906

Муслмонлар ҳижрий иккинчи ва учинчи асрларда кўпгина илмларни ёзма равишда шакллантирдилар. Мазкур илмларга оид масалалар ёзма равишда жамланди, тартибга солинди, қоидалари ишлаб чиқилди ва бошқа керакли ишлар амалга оширилди. Бу улкан хизматлар диний илмлар борасида ҳам, ақлий, тажрибий илмлар борасида ҳам тенгма-тенг равишда олиб борилди. Энди ўша илмлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

### - Қироатлар илми.

«Қироат» сўзи арабча масдар бўлиб, луғатда «жамлаш» ва «қўшиш» деган маънони билдиради. Зотан, қироат қилган шахс ҳарфларни жамлаган ва бир-бирига қўшган бўлади.

Уламолар истилоҳида, хусусан, Ибн Жазарийнинг таърифида эса: «Қироатлар Қуръон калималарини адо этиш кайфияти ҳақидаги ва уларнинг ихтилофларини нақл қилувчига нисбат берадиган илмдир».

Уламоларимиз Қуръони Карим ва қироатлар ўзига хос икки алоҳида-алоҳида нарсалар эканини таъкидлаганлар. Бу борада имом Заркаший қуйидагиларни айтадилар:

«Билки, Қуръон ва қироатлар айри-айри икки ҳақиқатдир. Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга баён ва эъжоз – ожиз қолдириш учун нозил бўлган ваҳийдир. Қироатлар эса ўша ваҳий лафзларининг ҳарфлар билан ёзилиши ёхуд енгил, оғир ва шу каби талаффуз кайфиятидаги турличалигидир».

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида саҳобаи киромлар соф ва фасоҳатли араб тили соҳиблари бўлиб, уларнинг ҳаммалари юқори даражадаги олим кишилар эдилар. Улар учун Қуръони Каримни ўзлаштириб олиш қийин эмас эди. Кейинчалик эса араблардан кўра араб бўлмаган мусулмонлар кўпайиб кетди. Арабларнинг ўзи ҳам аввалгиларига ўхшамас эди. Ушбу ва яна бошқа бир неча омиллар Қуръони Карим қироати бўйича алоҳида илм пайдо бўлишига ва ушбу илм соҳасида имомлар пайдо бўлишига олиб келди.

Қироатлар ва қорилар анча кўпайиб кетди. Аста-секин уларни тартибга солиш бошланди. Ниҳоят, имом Ибн Мужоҳид (ҳижрий 245-324 йй.) раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг «Ас-Сабъа фил-қироат» номли китобини ёзиб, етти машҳур қироатни бир китобга жамлаб, тартиб берди ва барча бунни қабул қилди. Бу қироатларнинг бир-биридан фарқи баъзи бир сўзларнинг талаффузида ва шунга ўхшаш кичик нарсаларда, холос. Бунни бир қанча фикҳий мазҳаблардан фақат тўрттаси танлаб олинганига қиёслаш мумкин.

Энди ўша иттифоқ қилинган етти қироат ва уларнинг имомлари кимлар экани ҳақида қисқача маълумот олайлик.

### **1. Нофеъ Маданий қироати.**

Имом Абу Рувайм Нофеъ ибн Абдуррахмон ибн Абу Рувайм Лайсий.

### **2. Ибн Касир Маккий қироати.**

Имом Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абдуллоҳ ибн Зозон ибн Феруз ибн Ҳурмуз ибн Касир Маккий.

### **3. Абу Амр Басрий қироати.**

Имом Забон ибн Алоъ ибн Аммор ибн Урён Мозаний Басрий.

### **4. Ибн Омир Шомий қироати.**

Имом Абдуллоҳ ибн Омир ибн Язид ибн Тамим ибн Рабиъа Яъсубий.

### **5. Осим Куфий қироати.**

Имом Осим ибн Абу Нажуд Куфий.

### **6. Ҳамза Куфий қироати.**

Имом Ҳамза ибн Ҳабиб ибн Аммора ибн Исмоил Зайёт Таймий.

### **7. Кисоий қироати.**

Имом Али ибн Абдуллоҳ ибн Баҳман ибн Феруз Ҳамза Кисоий.

Баъзи бир уламолар мазкур етти қироатга яна учни қўшиб, ўн қироат, яна бошқалар ўнга тўртни қўшиб, ўн тўрт қироат ҳам қилишган. Аслида эса улардан бошқалари ҳам бўлган. Бу қироатлар, уларнинг хусусиятлари, ораларидаги фарқлар ва яна шунга ўхшаш нарсалар ҳақида алоҳида-алоҳида китоблар ҳам ёзилган.

### **- Тафсир илми.**

«Тафсир» сўзи луғатда «баён қилиш», «очиб бериш» ва «равшан қилиш» маъноларини англатади.

Уламолар истилоҳида бу илм қуйидагича таърифланади:

«Тафсир – Қуръони Каримдаги Аллоҳнинг муродини инсон қудрати етганича ўрганадиган илм».

Иккинчи таъриф:

«Тафсир бир илм бўлиб, унда азиз Китобнинг нозил бўлиши, санади, адо этилиши, лафзлари, лафзларга ва ҳукмларга боғлиқ маънолари ўрганилади».

Саҳобалар ва тобеъинлар асрида тафсир оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, китоб қилиб ёзилмаган эди.

Фазилатли шайх Муҳаммад Фозил ибн Ошур ўзларининг «Ат-Тафсир ва рижалуху» номли китобларида таъкидлашларича, тафсирдан биринчи китоб ёзган киши ҳижрий 149 йилда вафот этган Абдулмалик ибн Журайждир.

Мазкур китоб таълиф этилгандан бошлаб, тафсир илми янги даврга қадам қўйди. Бу давр китоблар таълиф қилиш давридир. Ушбу даврнинг аввалида Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, Яҳё ибн Салом, Абу Бакр Найсобурий ва бошқа муфассирлар шуҳрат топдилар.

**«Ҳидоят имоми» китобиасосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 11 декабрдаги 03-07/9264-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.